

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Юлдашева Г.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банкларининг корпоратив бошқарув фаолиятида банк стратегик мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш устидан назорат қилиш учун зарур ташкилий тузилмани, шунингдек бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини таъминловчи, банк бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи, шу жумладан бошқарув органларининг ваколатларини ва жавобгарлигини тақсимлаш ҳамда бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини яратиш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: банк фаолияти, корпоратив бошқарув, банк бошқаруви, банк стратегияси, банк бошқарув органлари, акциядорлар умумий йиғилиши, банк кенгаши, банк ошқаруви.

1. Кириш.

Маълумки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар рўй берди. Мазкур прогрессив жараёнлар узлуксизлиги таъминланиб, изчил давом эттириляпти. Замонавий тенденцияларга асосланган бундай ислохотлар мамлакатимиз банк-молия секторини жадал ривожлантириш суръатларида ҳам яққол намоеън бўляпти. Пировардида нафақат давлат, балки тижорат банклари ҳам мижозлар учун ишончли, самарали ва оптимал ҳамкорга айланиш учун шахдам қадамлар ташламоқда.

Бунда соҳага бошқарувнинг корпоратив тамойиллари узлуксиз татбиқ этиб борилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Унда банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш пировард мақсадлар қаторида кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунда, тижорат банкларининг корпоратив бошқарув фаолиятида банк стратегик мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш устидан назорат қилиш учун зарур ташкилий тузилмани, шунингдек бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини таъминловчи, банк бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи, шу жумладан бошқарув органларининг ваколатларини ва жавобгарлигини тақсимлаш ҳамда бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Республикаимизда корпоратив бошқарувни тўғри йўлга қўйиш орқали нафақат давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари, балки давлат иштирок этмайдиган тижорат банклари фаолияти шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу орқали инвесторлар учун ҳам жозибали муҳит яратилади.

Корпоратив бошқарув бу -компания фаолиятига раҳбарлик қилиш ва унинг устидан назорат қилиш ўзига хос тизимдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мавзуга оид адабиётлар таҳлилини ўтказиш натижасида турли тадқиқотларда корпоратив бошқарув масалаларининг инновациялар билан ўзаро боғлиқлиги кўриб ўтилган.

Жумладан, америкалик олимлар Sarga, Subramanian ва Subramanian (2014) шундай назарияни ишлаб чиқишганки, унда улар қандай қилиб корпоратив бошқарувнинг ички ва ташқи механизмлари инновацияларга таъсир этишини кўрсатишган. Улар ташқи корпоратив бошқарув механизмлари (корпоратив назорат бозори) ички корпоратив бошқарув механизмлари (менежерлик шартномалари) билан ўзаро боғлиқ ҳолда компанияда менежерлар томонидан инновацияларни ишлаб чиқиш даражасига таъсир этишини исботлашган.

Shadab (2008) ўз тадқиқотида инновация ва корпоратив бошқарувни ўрганишда бошқарув тузилмаси, акциядорлик капитали қиймати, ички назорат каби масалаларни, шунингдек, қандай қилиб АҚШ корпоратив қонунчилиги корпорацияларнинг инновацион фаолиятига таъсир этганлигини ўрганган.

Хошимовнинг (2003) тадқиқотларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида корпоратив тузилмаларни бошқаришни ривожлантиришнинг илмий-методологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган.

Яушевнинг (2004) илмий изланишлари интеграцион корпоратив тузилмалар ва таъсисчи капиталда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш муаммоларига бағишланган.

Хамидулин (2007) фонд бозорини ривожланиши, акционерлик жамиятларида кузатув кенгашининг роли ва аҳамияти масалалари устида фикр юритади.

Иқтисодиётда давлат мулки ва улуши бўлган корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш ва эркин рақобат муҳитини яратиш мақсадида давлат улушини хорижлик инвесторларга сотиш орқали иқтисодиётда давлат бошқаруви ва назоратини қисқартириш лозимлигини таъкидлаб лозим.

Тан олиш керак, ўтган йилларда юртимизда тижорат банкларнинг жорий хўжалик фаолиятига давлат органлари томонидан аралашувлар кўп кузатилар, боз устига уларда бозор тенденцияларига мослашувчанлик ва сезувчанликнинг етарли эмас эди. Стратегик режалаштириш, рискларни бошқариш тизимининг талаб даражасида йўлга қўйилмаган эди. Мамлакатимиз капитал бозорини ривожлантиришда қатор муаммолар йиғилиб қолган эди. Хусусан, давлат корхоналарини бошқариш учун бозор механизмларини ишлаб чиқиш, улардаги замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, давлат корхоналарининг устав капиталидаги улушини аста-секин қисқартириш ва халқаро ташкилотлар ва компаниялар иштирокидаги очиқ хусусийлаштиришни таъминлаш каби вазифаларни қўйган.

3.Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг тижорат банкларида корпоратив бошқарувни ривожлантиришни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг таҳлиliga бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётларнинг қиёсий таҳлили ва фаразни асослаш усулларидан фойдаланилган.

4.Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Янги Ўзбекистон шароитида жамиятдаги қатор масалалар қатори айнан ушбу муаммо ҳам тўлиқ таҳлил қилинди, унга ташкилий ва ҳуқуқий баҳо берилди. Шу асосда давлатимиз раҳбари томонидан соҳа қиёфасини тубдан ўзгартириш, унинг фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Бугунги кунда давлат иштироки бўлмаган акциядорлик жамиятлари, хусусан, тижорат банкларида корпоратив бошқарувни ривожлантиришни тизимли йўлга қўйиш, уларда корпоратив бошқарув даражасини рейтинг асосида мунтазам баҳолаш ва мониторинг қилиб бориш бўйича изчил ишлар олиб борилаётгани бунинг тасдиғидир.

Зеро, айнан мана шундай ёндашув жаҳон тажрибасида ҳам ўзининг амалий исботини топган.

Бинобарин, бугунги кунда ҳам дунёда тижорат банклари тизимида корпоратив бошқарув мезонларини инновацион ғоялар билан уйғунликда кенг тараққий топтириш бўйича изланишлар давом эттирилмоқда. Булар уларни бошқариш тизимида замонавий

ахборот-коммуникация технологияларининг фаол жорий этилиши, корпорацияларни бошқаришда манфаатдор томонлар ролининг ортиши, директорлар кенгашининг мувозанатлашган таркиби ва манфаатлар қарама-қаршилиги муаммосини ҳал этишдаги ролини ортишида намоён бўляпти.

Масалан, Европа Иттифоқининг корпоратив бошқарув бўйича "яшил китоби"да акциядорлик жамиятлари директорлар кенгашини шакллантиришда профессионал, миллат, гендер хилма-хиллигини кучайтириш, директорлар кенгаши ва менежмент билан мулоқот жараёнларига акциядорларни, хусусан, миноритар акциядорларни кенгроқ жалб этиш, узоқ муддатли мақсадларга янада кўпроқ устуворлик бериш, директорларнинг акциядорлар олдидаги масъулиятини янада ошириш ва уларни шу йўналишда етарлича рағбатлантириш, корпорациялар фаолияти устидан кенг жамоатчилик назоратининг мослашувчан тизимини шакллантириш зарурати қайд этилган.

Ўзбекистонда ҳам илғор хориж тажрибасини чуқур ўрганиш, уни молия-банк секторига ҳам жорий этишга бўлган эътибор кейинги йилларда мутлақо ўзгарди. Буни корпоратив бошқарув соҳасида сўнгги йилларда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар асосида киритилган асосий ўзгаришлар тасдиқлаб турибди.

Шулар асосида сўнгги пайтларда республикамиз иқтисодиёти ва молия-банк соҳасида давлат иштирокини янада қисқартириш, фонд бозорини ривожлантириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, шу орқали фаол инвестиция сиёсатини олиб боришни рағбатлантириш муҳим вазифага айланди.

Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 14 январдаги "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва мазкур қўмита ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ҳамда Давлат активларини бошқариш маркази негизида 3 та мустақил институт-Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Бу мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришнинг янги босқичига асос солди.

Экспертларнинг айтишича, корпоратив бошқарув кодексида келтирилган кузатув кенгаши мустақил аъзосини белгилаб берадиган мезонларнинг мураккаблиги, мустақил аъзо мақомини аниқлашда номзоднинг иш фаолиятига доир муддат аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда сўнгги уч йил этиб белгиланган бўлишига қарамай, Ўзбекистонда бу меъёрнинг беш йил этиб белгиланиши мустақил аъзоликка номзодлар сонини янада чекланишига олиб келаётган эди. Бундан ташқари, акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашига мустақил аъзони ким кўрсатиши масаласи кўплаб мунозараларга сабаб бўлиб, бу борада муаллифлик қарашлари ҳам билдирилган эди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 14 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Мазкур муҳим ҳужжатга мувофиқ, хўжалик жамиятининг ижро органи (раҳбар ва раҳбар ўринбосарлари) танлов асосида юқори малакали, шу жумладан хорижий мутахассислар орасидан танлаб олинади ва давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахслари билан келишилмасдан акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши қарори билан тайинланади. Республикаимизнинг аксарият акциядорлик жамиятлари ижроия органи раҳбарини тайинлашни танлов асосида ўтказиш бўйича ички тартиб ёки низомларни ишлаб чиққан бўлиб, унда номзодларни саралаш учун мезонлар акс эттирилган. Ушбу танловларда хорижий менежерларнинг иштирок этиши ҳам кўзда тутилган.

Биргина тижорат банклари мисолида оладиган бўлсак, авваллари тижорат банклари Бошқарув раислигига номзод Марказий банк билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланар ва кейинчалик банк акциядорлари умумий йиғилишида тасдиқланар эди. Энди мазкур талаб бекор қилинди ва "Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида"ги Низомга тегишли ўзгаришлар киритилди.

Амалдаги тартибга кўра Банк бошқаруви раиси Банк кенгаши қарори билан тайинланади ва кейинчалик акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Ушбу мақсадда танлов амалга оширилади ва бунда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин. Аммо бу борада кўрилатган чоралар самарадорлигини ошириш ҳамон долзарб бўлиб турибди. Ўз навбатида тижорат банкларига корпоратив менежмент принциплари қанчалик кенг жорий этилса, улардаги ахборот очиқлигини таъминлашни шунчалик кучайтириш даркор.

Албатта, бу борада ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Масалан, акциядорлик жамиятлари, шу жумладан, тижорат банклари томонидан эълон қилинадиган ҳисоботлар асосан молиявий характер касб этиб, корпоратив бошқарув ҳолати, корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш бўйича амалга оширилган ишларни ҳисобот шаклида ошкор қилиб бориш амалиёти ҳамон оқсаяпти. Миноритар акциядорларнинг хўжалик жамиятлари бошқарувидаги ролини ошириш ҳамон долзарб бўлиб турибди. "Блокчейн" технологияларини устав фондида давлатнинг иштироки устувор бўлган йирик тижорат ташкилотлари, хусусан банкларнинг корпоратив бошқаруви тизимига, жумладан, бизнес-жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, маъмурий ва операцион жараёнларни мақбуллаштириш, шунингдек, замонавий менежментни татбиқ этиш ва ресурсларни бошқариш учун татбиқ этиш давр талабидир. Зеро, блокчейн анъанавий корпоратив бошқарув тизими самарадорлиги билан боғлиқ муаммолар, хусусан, акциядорлар ва компания ўртасидаги муносабатлар учун "ақлли" ечимларни таклиф этадиган технология ҳисобланади.

Мутахассиларнинг фикрича, блокчейн технологияларини хўжалик жамиятлари корпоратив бошқарувида қўллаш қатор имкониятларни тақдим этади. Чунончи, акциядорлар умумий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш тизими модернизация қилинади. Блокчейн технологиялари ёрдамида виртуал умумий йиғилишларда овоз бериш имконияти яратилади, блокчейн муҳитида шаффофлик ва ишончни мустаҳкамлаш орқали агентлик муаммосини ҳал этиш учун янгича ечим таклиф этилади. "Ақлли шартномалар"ни кенг жорий этилади. Манфаатдор томонларнинг ҳамкорликка асосланган бошқарувдаги иштироки кучайтирилади.

Сўнгги йилларда евробондларни чиқаришда тижорат банклари (ЎзСҚБ, "Агробанк" ва бошқалар) фаоллашуви ҳам кузатилаётгани юртимизда тижорат банкларида корпоратив бошқарув тенденциялари ривожланиб бораётганини англатади.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги стратегиясини шакллантириш. Муаллифнинг фикрича, акциядорлик жамиятлари банкларга кредит учун тўланадиган фоиз ставкаси ва бошқа юридик шахс депозитларидан оладиган фоиз ставкаси ўртасидаги фарқни (фоиз маржасини) корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш орқали ўзаро бўлишиш имконияти мавжуд.

Шу боисдан, корпоратив молия бўйича консалтинг хизматларини йўлга қўйиш орқали инвестицион банкингнинг анъанавий хизматлари турларини ривожлантириш мумкин. Айни пайтда, банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги стратегияси уларнинг инвестицион банк хизматларини кўрсатишдаги кучли томонлари ва имкониятларига асосланиши зарур (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон тижорат банкларининг инвестицион банкинг хизматларини ривожлантириш бўйича SWOT таҳлили¹

Кучли томонлар (Strength)	Заиф томонлар (Weakness)
<ul style="list-style-type: none"> -тижорат банклари капитал базасининг мустаҳкамлиги; -республика фонд бозорида банкларнинг етакчилиги; -қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг рухсатсиз иштирок этиши; -инвестицион портфелни шакллантиришда банкларнинг миждоз тўғрисида етарли маълумотга эга бўлиши; -корпоратив молия бўйича банк ходимларида етарли компетенция мавжудлиги; 	<ul style="list-style-type: none"> -банкларнинг жами мажбуриятлари таркибида қисқа муддатли мажбуриятлар салмоғи юқорилиги, -банк активларини молиялаштириш учун «узун пуллар»нинг етишмаслиги; -республика фонд бозори ликвидлиги пастлиги; -республикада корпоратив назорат бозорининг етарлича ривожланмаганлиги; -корпоратив облигацияларни эмиссия қилиш ва жойлаштириш билан боғлиқ талабларнинг юқорилиги ва мураккаблиги.
Имкониятлар (Opportunities)	Таҳдидлар (Threats)

¹ Игамбердиев С.Х. Инвестицион банклар фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш. икт. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф., 2018, 25 б.

-Марказий банкнинг очик бозор операциялари объекти сифатида корпоратив қимматли қоғозлардан фойдаланиш имконияти;	-глобаллашув шароитида инвестицион хизматларнинг эркинлашуви ва бу жараёнда халқаро инвестицион банклар ролининг ортиши;
-тижорат банкларининг фонд бозорида маркет-мейкер функциясини бажариши;	-инвестицион хизматлар кўрсатишда рақобатнинг кескинлашуви;
-акциядорлик жамиятларининг халқаро фонд бозорлари листингига кириши ва қимматли қоғозларни бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO);	-инвестицион банк фаолиятини тартибга солиш бўйича халқаро стандартларнинг қатъийлашуви;
-ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали	-блокчейн тизими орқали молиявий воситачилик хизматларини таклиф қилиш кўлами ортиши;
-инвестицион банк хизматларини кўрсатиш бўйича банклар бизнес моделларини такомиллаштириш.	-P2P форматда молиявий воситачиларсиз банк хизматларини кўрсатиш платформалари ривожланиши.

Акциядорлик жамиятлари банкларга кредит учун тўланадиган фоиз ставкаси ва бошқа юридик шахс депозитларидан оладиган фоиз ставкаси ўртасидаги фарқни (фоиз маржасини) корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш орқали ўзаро бўлишиш имконияти мавжуд.

Банкнинг қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришда инвестицион қўйилманинг ликвидлиги, хавфсизлиги, инвестицион қўйилманинг ўсиши ва даромадлигини ҳисобга олиш, шунингдек, инвестицион портфелнинг тармоқ ва минтақавий диверсификациясини таъминлаш зарур.

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки корпоратив бошқарув тизимини баҳолашнинг таҳлилини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

2-жадвал

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки корпоратив бошқарув тизимини баҳолашнинг якуний жадвали²

№	Йўналишлар	Саволлар сони	Эҳтимолли		Ҳақиқий баҳо
			қуйи	юқори	
1	Корпоратив бошқарув кодексини жорий этишга тайёргарлик кўриш жараёнини баҳолаш	13	-135	135	125
2	Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилинишини баҳолаш	37	-360	360	250
3	Жамият ташкилий тузилмасини баҳолаш	3	-30	30	25
4	Конкурс танлови ўтказилишини баҳолаш	5	-45	45	-25
5	Жамият ҳисоботларини БХХС га ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ошкор қилинишини баҳолаш	3	-50	50	50
6	Бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий этилишини баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар)	5	-55	55	40
7	Ахборот сиёсатини баҳолаш	5	-170	320	256
8	Молиявий натижаларини баҳолаш	4	-150	150	150
9	Жамият фаолиятининг бошқа йўналишларини баҳолаш	25	-205	55	55
Жами		100	-1 200	1 200	926
Фоиз кўринишида якуний баҳо					77,17%

Жадвал маълумотларидан кўринадики, ҳисобот даврида якуний баҳо 77,17 фоизни ташкил этган, бу ҳолатга асосий таъсир кўрсатган йўналиш “Ахборот сиёсатини баҳолаш” бўлиб 256 баҳони ташкил этган. Энг паст йўналиш эса “Конкурс танлови ўтказилишини баҳолаш” бўлиб -25 баҳони ташкил этган.

Юртимизда Корпоратив ахборотлар ягона порталининг ишга туширилиши айнан ушбу йўлдаги муҳим қадам бўлди. Натижада акциядорлик жамиятлари, жумладан,

² <https://trustbank.uz/> “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб қилинди

тижорат банкларининг веб-саҳифаларида корпоратив ахборотларни давлат тилида, рус ва инглиз тилларида чоп этиш йўлга қўйилди.

Шулар билан бир қаторда тижорат банкларининг инвесторлар билан муносабатларида замонавий шакллар, "Road Show", инвестиция ва бизнес форумларини ташкил этиш, "Invest in Uzbekistan" ягона, мувофиқлаштирилган ахборот компаниясини ишлаб чиқиш, тарғибот ва кенг хабардор қилиш ва ушбу мақсадда батафсил, тушунарли ахборот ресурсларини тайёрлашда ҳам муҳим қадамлар қўйилапти.

Самарали корпоратив бошқарувнинг асоси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- банкнинг ички ҳужжатларида белгиланадиган ваколат ва вазифаларнинг аниқ тарзда тақсимланиши;

- етарли даражадаги ҳисобдорлик;

- ўзаро назорат қилиш ҳамда банк учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилинишининг олдини олишни таъминловчи, банк бошқаруви органлари ва (ёки) таркибий тузилмалар ўртасидаги ваколатларнинг тақсимланиши;

- ўзининг ваколатлари ва вазифаларини яхши билувчи, функционал вазифаларини бажаришда юқори даражадаги ишбилармонлик ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этувчи, банк кузатув кенгашининг ва ижроия органининг юқори малакали аъзолари мавжудлиги.

Кенгаш ва бошқарув аъзолари ўз фаолиятини амалга ошираётганда маънан жавобгарликни ва жонқуярликни намоён қилиши ва содиқлик билан хизмат қилиши лозим.

Маънан жавобгарлик ва жонқуярликни намоён қилиш деганда кенгаш ва бошқарув аъзоларининг ўз қарорларини онгли равишда қабул қилиш ва ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис қилиш, ўз хизмат вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашиш, қарорларни ўз ваколатлари доирасида ва мавжуд маълумотларни ҳар томонлама баҳолаган ҳолда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, банк устави ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилиш мажбурияти тушунилади.

Содиқлик билан хизмат қилиш деганда кенгаш ва бошқарув аъзолари ўзлари билан боғлиқ барча мавжуд ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш, ўз хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслик, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви уларга банк манфаатлари йўлида ўз вазифаларини тўлақонли бажаришига тўсқинлик қилган тақдирда, қарор қабул қилишда қатнашмаслик мажбурияти тушунилади.

Банк кенгашининг ваколатлари доирасига Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги ва "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларида белгиланган масалаларни ҳал этиш киради.

Кенгаш аъзоларидан ўз вазифаларини амалга оширишлари доирасида қуйидагилар талаб этилади:

- ўзи фаолият юритаётган банк корпоратив бошқарувининг ташкилий тузилмасини, кенгашнинг функцияларини билиши, корпоратив бошқарувдаги ўзининг ролини англаши, банк фаолиятида хос бўлган таваккалчиликлар ҳақида тасаввурга эга бўлиши, шунингдек банк-молия соҳасидаги, таваккалчиликларни бошқариш ва корпоратив бошқарувни ташкил этиш борасидаги билим ва малакасини доимий равишда ошириб бориши;

- банк фаолиятида фаол қатнашиши, унинг фаолиятидаги ва ташқи шароитлардаги муҳим ўзгаришларни кузатиб бориши, шунингдек узоқ муддатли истиқболда банк манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ўз вақтида кўриши;

- банкнинг корпоратив маданияти ва кадриятлари шаклланишида етакчи ўринни тутуши;

- кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан кенгашнинг бошқа аъзолари, бошқарув аъзолари ва банк ходимларининг қарашларидан қатъий назар ўзининг асосланган фикрини билдириши;

- маънан жавобгарлик, жонқуярлик ва содиқлик билан қарорлар қабул қилиши, банк ва унинг барча акциядорлари манфаатларини кўзлаб, кенгаш аъзоси ўзига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни виждонан ва оқилона амалга ошириши, ўзининг ёки айрим шахслар манфаатлари йўлида ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслиги;

- манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи ҳаракатлардан ўзини тийиши, шунингдек манфаатлар тўқнашуви юзага келиши ҳақида дарҳол кенгашга хабар бериши ва уни бартараф этиш юзасидан чора кўриши;
- кенгаш ва унинг қўмиталари мажлисларида ўз ваколатларини учинчи шахсга ўтказмаган ҳолда иштирок этиши;
- кенгаш йиғилишларида иштирок эта олмаслигига асослар (касаллик варақасидалиги, таътилдалиги, хизмат сафаридалиги ва бошқалар) ҳақида ўз вақтида маълум қилиши;
- кенгашга аъзолиги чоғида ўзига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигига риоя этиши.

5.Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, корпоратив бошқарув сўзининг иқтисодий маъносини қиёсий ўрганиш асосида, тижорат банкларида корпоратив бошқарув-тижорат банки фаолиятини бошқаришда акциядорлар умумий йиғилиши, кенгаш аъзолари ва бошқа раҳбар ходимлар томонидан амалга ошириладиган асосий фаолият ҳамда қоидалар мажмуаси эканлигининг ўрганилди.

Мамлакатимиз тижорат банкларида корпоратив бошқарув тамойилларини татбиқ этиш ва уларни ривожлантириш жараёнлари узлуксиз, ортга қайтмас тенденция ҳисобланади. Бу йўлда давлат, бизнес ва банк ўзаро уйғунлик касб этса, бу нафақат мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, инвестицион жозибадорлигини ошириш, халқаро майдондаги имижини юксалтириш, балки оддий мижозлар манфаатларини тўлақонли таъминлашда шунча самара ва аҳамият касб этади. Бу эса халқ фаровонлигини белгилаб берувчи муҳим параметрлардан биридир.

Давлат корхоналарини бошқариш учун бозор механизмларини ишлаб чиқиш, улардаги замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, давлат корхоналарининг устав капиталидаги улушини аста-секин қисқартириш ва халқаро ташкилотлар ва компаниялар иштирокидаги очиқ хусусийлаштиришни таъминлаш каби вазифаларни амалга ошириш лозим.

Тижорат банклари фаолияти тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ва етказиш тартибини янада аниқроқ белгилаб қуйиш мақсадга мувофиқ, жумладан молия ва операция фаолиятига оид ахборотни тақдим этишнинг тасдиқланган шаклларини инвестор, мижозлар ва бошқа манфаатдор шахсларга етказилишини таъминлаш лозим.

Юқорида келтирилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши, бизнинг назаримизда, Ўзбекистон тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг юксалишига имкон яратиб беради ва бу ўз навбатида Ўзбекистоннинг реал ишлаб чиқариш секторида акциялаштириш жараёнининг чуқурлашувига ўз таъсирини кўрсатади.

Адабиётлар:

Sarpa H., Subramanian A. and Subramanian K.V. (2014) Corporate Governance and Innovation: Theory and Evidence. Journal of Financial and Quantitative Analysis, vol.49, issue 4, pp. 957-1003.

Shadab H.B. (2008) Innovation and Corporate Governance: The Impact of Sarbanes-Oxley. U. Pa. Journal of Business and Employment Law, vol.10:4, pp. 955-1008. 4. Мелкумов Я.С. Инвестиций: Учебное пособие. М.: ИНФРА-М, 2003.

Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон.

Ҳошимов А.А. (2003) Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларни ривожлантириш истиқболлари. – Т.: Фан.

Яушев Р.И. (2004) Состояние и проблемы управления государственными пакетами акций корпораций. // Корпоративное управление в Узбекистане. Материалы научно-практической конференции-Т. С.15-23.

Хамидулин М.Б. (2007) Корпоратив маданият ва корпоратив бошқарув. Т.: Академия, -224 б

Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. (2008) Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантиқий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДИУ, 53 б.

Ҳайдаров Ў.А. (2019) “Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиявий бошқаришнинг замонавий ҳолати”. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 8 б.